O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 15 февраль, № 32 (4442) Жума


# ИЛМ ЗИЁСИДАН БАҲРАМАНД АВЛОД



**Мамлакатимиз пойтахтидаги Республика болалар кутубхонаси ўсиб келаётган ёш авлоднинг илмга чанқоқ, юксак маънавиятли шахс сифатида камол топишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.**

— Бугунги кунда кутубхонамиз 250 мингдан зиёд китоб хазинасига эга, — дейди кутубхона директори Фотима Бухорова. — Ўн уч мингдан зиёд китобхонга хизмат қиламиз. Энди ҳарф таниган болалардан тортиб мактаб битирувчиларигача қамраб олганимизни асосий ютуғимиз, дейиш мумкин. Кўплаб соҳалар бўйича болалар ёшига мос адабиётлар, илмий-оммабоп ва бадиий рисолалар, CD дискларга жойланган электрон-китоблар, видео ва аудио ёзувлар билимлар уммонини ўзида мужассамлаштирган. Энг муҳими, бу ердан болажонларимиз қадами узилмайди. Улар нафақат китоб мутолаа қилишлари, айни пайтда клубларимизда илму ҳунар ўрганишлари ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кутубхона қошида "Соғлом авлод" медиа-маркази фаолият кўрсатмоқда. "Ёш ижодкорлар", "Шум бола", "Intel", "Кичкинтой", "Мен ва қонун", "Ёш саёҳатчилар" каби клублар ва кичик "Дийдор" театр труппаси болаларни эртаю кеч 'бу даргоҳга жалб қилади. Шунингдек, кутубхонада турли тадбирлар, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар мунтазам ўтказиб турилади. Биз кутубхона фаолияти билан танишиш учун борганимизда, у ерда шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилаётган эди.

Чиндан ҳам, Республика болалар кутубхонасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Бундай фаолият эса эртамиз эгаларининг билимли, кучли ва доно фарзандлар бўлиб камолга етишида муҳим аҳамият касб этади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** кутубхонанинг фаол аъзолари — 17-мактаб ўқувчилари Комила Ҳамидуллаева ва Анора Эргашбоева.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Жиззах вилояти фаолларининг йиғилишида 2007 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган энг муҳим вазифаларнинг вилоятда бажарилишини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.**

## Имконият мўл, изланиш зарур

Бу ҳақда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Анорбоевнинг маърузаси тингланди.

Таъкидландики, вилоят иқтисодиётида ўтган йилда бирмунча ўсишга эришилди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,3 фоизга, халқ истеъмоли моллари 15,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 6,7 фоизга, хизмат кўрсатиш 11,5 фоизга ошди.

Аммо жойларда иқтисодиётни кўтариш борасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти. Хусусан, полиэтилен плёнкалари, пахта ёғи, макарон каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш 23-76 фоизгача камайиб кетди.

Илгари хусусийлаштирилган ёки банкротлик тамойиллари асосида мулкдорларга сотилган «Девор конструкциялари заводи», «Уй қурилиш комбинати», «Жиззах-ёғ-мой» масъулияти чекланган жамиятлари, «Жибри» қўшма корхонаси, «Бахмалшароб» ҳиссадорлик жамияти, «Ғаллаорол-Белогорск» қўшма корхонаси каби ўнлаб жамоалар фаолияти ҳалигача йўлга қўйилмаяпти.

(Давоми 2-бетда).

**Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим вазифаларни бажариш иқтисодий сиёсатимизнинг ҳал қилувчи йўналиши сифатида катта ўрин эгаллайди», деб алоҳида таъкидлади.**

## Фермерларга камарбастамиз

Дил сўзи

Дарҳақиқат, бу фикрнинг нақадар асосли, тўғри эканлигини корхонамиз фаолияти ҳам яққол исботлаб турибди. Бизда асосан, ғўза, шунингдек, кунгабоқар ва картошка каби сабзавот экинлари зараркунандаларига қарши қўлланиладиган дефолиантлар ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларга талаб тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, мустақиллик йилларида асосий эътибор ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш, модернизациялаш ва мавжуд қувватлардан янада самарали фойдаланишга қаратилди. Жумладан, Голландиянинг «Станикарбон» фирмаси замонавий технологияси асосида жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган, йилига 330 минг тонна карбамид тайёрланадиган цех ишга туширилди, ХМД цехи ҳам қайта реконструкция қилиниб, унинг йиллик қуввати 100 минг тоннага етказилди.

Президентимизнинг «2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида эса аммиак ишлаб чиқарувчи цехни реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асослари тайёрланиб, ҳукумат тасдиғига киритилди. Шунингдек, республикамиздаги тегишли илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда хлорат-натрий ва хлорат-магний дефолиантлари негизида янги, рақобатбардош дефолиантлар турини яратиш соҳасида изланишлар бошлаб юборилди.

Кимёвий-технологик жараёнларни тўлақонли ташкил этишга кўмаклашувчи ёрдамчи цех ва участкалар базаси ҳам мунтазам кенгайтирилиб, уларда замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Марказий кимё лабораторияси, ҳаво ажратиш, саноат ва оқова сувларини тозалаш, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика цехларида юз берган ўзгариш бунга мисол бўла олади.

Амалга оширилган ана шу чора-тадбирлар натижасида корхонамизда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда деҳқонларга 199 минг 219 тонна аммиакли селитра етказиб берилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 320 минг 861 тоннани ташкил этди. Аммиакли селитра экспорт қилиш вазифаси эса 173 фоиз бажарилди.

Жамоамизнинг мақсади битта: фермерларни етарли миқдорда дефолиантлар ва минерал ўғитлар билан таъминлаб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишларида уларга камарбаста бўлишдир.

**Тоҳиржон ҲАЙДАРОВ,**
**«Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви бош директори.**

*Ўзбекистон — Корея Республикаси:*

## МУВАФФАҚИЯТЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК

08 y. 15 fev. № 32 (4442)

***"The Korean Post" журналининг жорий йилдаги илк сонида Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.***

Дунё нигоҳи

Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган Президентлик сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган "The Korean Post" журнали бошқаруви раиси ҳамда бош муҳаррири Ли Кюнг-сик ушбу мақолалар муаллифидир.

"The Korean Post" 1985 йилдан буён Корея Республикасида инглиз тилида нашр қилинадиган етакчи журнал бўлиб, у 20 минг нусхада чоп этилади. Журнал Корея Республикаси сиёсий, зиёли ва ишбилармон доиралари ҳамда кенг жамоатчилиги орасида, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Африка, Европа ва Жануби-Шарқий Осиёда тарқалади.

Махсус соннинг Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги босқичига бағишланган бош мақоласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президентлигига яқинда сайланган Ли Мён-бак билан олдиндан илиқ муносабат мавжудлиги таъкидланган. Жанубий Корея пойтахти мэри вазифасида ишлаган пайтда Ли Мён-бак шаҳар маъмурияти биносида Президент Ислом Каримовни "Сеулнинг фахрий фуқароси" деб эълон қилиб, унга эсдалик медалини топширган эди.

Журнал 2006 йил март ойида Президент И. Каримовнинг Корея Республикасига амалга оширган ташрифига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистон давлати раҳбари Миллий ассамблея спикери Ким Вон-ки билан учрашуви чоғида БМТ Бош котиблигига Пан Ги Мун номзодини қўллаб-қувватлашини билдиргани Корея халқининг хурсандчилигига сабаб бўлгани таъкидланган.

Нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шахсига баҳо беришда харизматик етакчи сифатида уни сиёсий стратег ва амалиётчи, тажрибали ва моҳир иқтисодчи дея таърифлаган.

— Президент Ислом Каримов метин иродаси ва ўзининг мақсади сари қатъий интилиши билан машҳурдир, — деб ёзади "The Korean Post". — У муваффақиятли демократик ислоҳотлар ўтказиб, мамлакатга иқтисодий янгиланишларни олиб кирганлиги билан ўзининг етакчилик қобилиятини амалда намоён этди. Президент Ислом Каримов аҳоли ўртасида катта обрў-эътиборга эга, сайлов жараёнида сайловчиларнинг 88,1 фоизи унга овоз берганлиги ҳамда бошқа номзодлардан яққол устунликка эришганлиги ҳам буни амалда исботлаб турибди.

Мақолада жаҳонда умумэътироф этилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга ошувида Ўзбекистон давлати раҳбарининг хизматлари беқиёслиги келтириб ўтилган. Ислом Каримов нафақат автомобиль саноатининг бунёд этилишида тамал тошини қўйган, балки мамлакат иқтисодий ривожланишини таъминлаган ҳамда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини тубдан ўзгартирган қатор йирик корхоналар, коммуникация ва маданий объектлар қурилиши ташаббускори ҳамдир.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## МУЛОҚОТЛАР САМАРАЛИ БЎЛАДИ

*Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.*

Қонунчилик палатаси депутатлари февраль ойининг сўнгги ҳафтасида сайлов округларида учрашувлар ўтказади. Йиғинга тайёргарлик кўриш мақсадида «Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан алоқалари: ҳуқуқий асослар ва амалиёт» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилиб, унда қуйи палатадаги барча тузилмалардан вакиллар иштирок этди.

Мамлакатимизнинг икки палатадан иборат олий қонунчилик органи фаолияти кўлами кенг. Семинарда таъкидланганидек, ўтган уч йил мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ҳамда парламентнинг бошқа фаолияти йўналишида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида депутатлар ўз фаолиятларини ҳеч бир тўсқинликсиз юритишлари, хусусан, ўз сайлов округларида сайловчилар билан доимий учрашувлар ўтказиб туришлари учун барча шароитлар яратилган.

(Давоми 2-бетда).

## Олима аёллар ва илм-фан ривожи

***Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга эътибор ҳар жиҳатдан юксалди. Ўзбек аёли спорт, санъат ва илм-фан соҳасида фахрланишга арзийдиган ютуқларни қўлга киритмоқда.***

Хотин-қизларимиз орасида олималар, етук малакали мутахассислар сони ортиб бораётгани эса улар учун яратилган имкониятлар самарасидир. Бугунги кунда мамлакатимизда фан номзодларининг 33 фоизини, фан докторларининг 16 фоизини, илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг 37 фоизини хотин-қизлар ташкил қилишининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди.

Мамлакатимиздаги мавжуд олий ўқув юртларида олима аёллар сафини кенгайтириш, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб борилмоқда. Навбатдаги анжуман Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

***Якунланган йилда республикамизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнеснинг улуши***

**46 фоизга етди.**

Тадбиркорлар, аввало, кичик бизнес субъектлари ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилгани, айниқса, кичик бизнес субъектлари учун солиқ ва статистика ҳисоботларининг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилгани, кичик корхоналар учун эса ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга туширилгани ана шундай ижобий ўзгаришга эришиш имконини берди.

## УЛУҒ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

***Кеча Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театрида шоир таваллудининг 525 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди***

Меҳмонлар дастлаб Бобур номи билан аталувчи майдон кўрки саналмиш шоир ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйишди.

Республикамизнинг таниқли бобуршунос олимлари, адиблар, санъаткорлар, шунингдек, шеърият ихлосмандлари иштирок этган мазкур тадбирда Бобурнинг ўлмас адабий меросини ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар хусусида сўз борди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов Мирзо Бобурнинг жаҳон адабиёти тарихида тутган ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб, йиллар ўтган сайин шоир ижодининг янгидан-янги қирралари кашф этилаётганлигини таъкидлади.

Кеча сўнгида санъат усталари ва ижрочи ёшлар Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар гулдастасини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилишди.

Анжуманда вилоят ҳокими А. Усмонов иштирок этди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

